

БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАР ИЧКИ АУДИТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Турсунов Шохрухмирзо Бахтиёр ўғли
ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада бизнес-жараёнлар ички аудитини режалаштириш хусусиятлари ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бизнес-жараёнлар ички аудити ўтказиш босқичларини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ички аудит, бизнес-жараён, аудитни режалаштириш, аудиторлик далиллар, муҳимлик даражаси, аудиторлик rischi.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности планирования внутреннего аудита бизнес-процессов. В результате проведенного исследования были разработаны рекомендации по совершенствованию этапов внутреннего аудита бизнес-процессов.

Ключевые слова: внутренний аудит, бизнес-процесс, планирование аудита, аудиторские доказательства, существенность, аудиторский риск.

Abstract. This article examines the specifics of planning internal audit of business processes. As a result of the conducted research, recommendations were developed for improving the stages of internal audit of business processes.

Keywords: internal audit, business process, audit planning, audit evidence, materiality, audit risk.

Кириш. Хўжалик юритувчи субъектларда ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фаолият самарадорлигини оширишда ички аудит хизмати муҳим ўрин тутди. Ички аудит хизмати мунтазам ва режали текширувлар орқали бизнес-жараёнлар самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Бироқ хўжалик юритувчи субъектларда бизнес-жараёнлар ички аудитини тизимли ташкил этишда муаян камчиликлар мавжуд. Шу боисдан бизнес-жараёнлар ички аудитини режалаштириш ва ўтказиш тартибини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Иқтисодчи олимларнинг асарларида бизнес-жараёнлар ички аудитининг моҳияти ва аҳамиятига кенг эътибор қаратилган.

Иқтисодиёт фанлари доктори Н.Ш.Абдиева таъкидлашича, “корпоратив бошқарув тизимида ички аудитни такомиллаштириш натижасида бизнес жараёнларини оптимал ташкил этиш ва ички аудитнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек, халқаро стандартлар асосида ички аудитни ташкил этиш хорижий инвесторларни жалб қилиш учун шароит ва имкониятлар яратади” [1].

А.К.Щербинина таъкидлашича, “Ташкилот фаолияти муваффақиятининг муҳим хусусияти бизнес-жараёнларни бошқариш ва

уларнинг оптималлик даражасидир. Ушбу кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлаш учун бизнес жараёнларининг аудити ўтказилади” [2].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар таъкидлашча, “бизнес-жараён - бу маълум бир мижозлар гуруҳи учун қадрланадиган хизмат ёки маҳсулотни ишлаб чиқаришга қаратилган мантикий тартибда тартибланган ҳаракатлар кетма-кетлиги сифатида аниқланади” [3].

Л.В.Масько томонидан бизнес-жараёнлар аудити борасида олиб борилган тадқиқотда “молиявий ҳисоботдаги муҳим бузиб кўрсатишлар рискени камайтириш учун бизнес-жараёнлар тўрисида етарли даражада далиллар тўплаш лозим” [4], деган хулосага келинган.

Шеер Август–Вильгельм фикрича, “бизнес-жараён - бу мижозга зарур бўлган маҳсулотни яратиш билан якунланган, истеъмолчи эҳтиёжларига эътибор қаратиш орқали ташкилотга юқори самарадорликка эришиш имконини берадиган бир, бир нечта ёки кўп ички жараёнлардир. Шунинг учун бизнес-жараённинг аҳамиятини максимал даражада ошириш ва кўплаб функцияларни унга боғлаш муҳимдир” [5].

Бироқ юқоридаги иқтисодчи олимларнинг асарларида бизнес жараён ва унинг аудитининг моҳияти хусусида тўхталиб ўтилиб, бизнес-жараёнлар ички аудитини ўтказиш тартиби етарли даражада очиқ берилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Ички аудит хўжалик юритувчи субъект ички назорат тизимининг самарадорлигини мустақил ва объектив баҳолаш учун ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган доимий фаолият ҳисобланади. Мазкур фаолиятини тўғри амалга ошириш ички аудитни пухта режалаштиришга бевосита боғлиқдир.

Бизнес-жараёнлар ички аудитини ўтказишнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

1. Аудиторлик рискни ва муҳимлик даражасини баҳолаш.

танланган назорат усулларида фойдаланганда аудиторнинг нотўғри фикр билдириш рискени баҳолаш.

текширувни бошлашдан олдин ўрганилаётган бизнес-жараён кўрсаткичлари бўйича муҳимлик даражасини аниқлаш;

ички назорат тизимини ва маълумотларнинг муҳим нотўғри кўрсатилиши рискени ва муайян бизнес жараёнига хос бўлган рискларни баҳолагандан сўнг, умумий аудиторлик рискени баҳолаш;

аудит давомида муҳимликни тузатиш зарурлигини асослаш ва ҳужжатлаштириш.

2. Бизнес жараёнларини тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш.

бизнес жараёнларининг самарадорлиги ҳақида билимга эга бўлиш;

бизнес-жараёнларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш.

режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таҳлил қилиш;

кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш ва ушбу кўрсаткичларнинг бутун ташкилот фаолиятига таъсирини баҳолаш;

ресурсларнинг етарлилигини, шунингдек улардан фойдаланиш

самарадорлигини баҳолаш;
фаолиятни ривожлантириш зарурлигини асослаш;
ташкilotнинг ривожланиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда кўрсаткичлар прогнозини тузиш.

3. Бизнес-жараён қоидаларини ҳужжатларда тавсифлашнинг етарлилиги ва тўлиқлигини текшириш.

аудит амалларини режалаштириш ва бажариш ҳамда бизнес-жараёнларга хос бўлган рискларни баҳолаш учун ташкilotнинг бизнес-жараёнларини етарли даражада тушуниш.

ҳужжатлар мавжудлигини текшириш;
жараён ва унинг элементлари тавсифининг тўлиқлиги ҳамда сифатини таҳлил қилиш;

таклифларни таҳлил қилиш ва хўжалик юритувчи субъектнинг ички ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини аниқлаш.

4. Бизнес-жараёнларнинг риск таҳлили ва уларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш.

рискларни тавсифлаш;
риск тавсифининг тўлиқлигини таҳлил қилиш;
рискнинг юзага келиши мумкин бўлган омиллари ва шароитларини аниқлаш;

бутун ташкilot даражасида бизнес-жараёнларнинг рискларини бошқариш усулларини таҳлил қилиш;

рискларни бошқариш бўйича қўрилган чоралар самарадорлигини таҳлил қилиш;

ташкilot фаолиятига риск таъсирининг оқибатларини (ижобий ва салбий) баҳолаш;

риск мониторинги ва унинг самарадорлигини баҳолаш;
бизнес жараёнлар ҳақидаги маълумотларнинг бузилишига рискларнинг мумкин бўлган таъсирини баҳолаш.

5. Бизнес-жараёнларни бошқариш муҳити самарадорлигини баҳолаш
бошқарув муҳитининг самарали бошқарув мақсадларига мувофиқлигини белгилаш;

корпоратив этика талабларига риоя қилиш;
раҳбар ва ходимларнинг малакасига баҳо бериш;
масъулият ва ваколатнинг мувофиқлигини баҳолаш;
мотивация ва профессионал ўсишни қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш.

6. Бизнес-жараёнларни бошқаришнинг ҳисоб-таҳлилий тизимини ўрганиш.

мавжуд бошқарув ахборот тизимини таҳлил қилиш;
бухгалтерия ҳисобининг бизнес жараёнларини бошқаришнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини аниқлаш;
ахборот таркиби ва унинг бошқарув вазифаларига мувофиқлигини

баҳолаш;

бухгалтерия ҳисоби усуллари ҳамда уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги;

ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш тартибини баҳолаш;

маълумотлар базасини ўзгартириш ва янгилаш заруратини баҳолаш;

ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг техник ҳамда дастурий воситалари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

7. Бизнес жараёнларини назорат қилиш тартиб-қоидаларининг самарадорлигини баҳолаш.

бизнес-жараёнларни бошқариш самарадорлигини белгилаш, фаолиятдаги оғишларнинг ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш;

буйруқ ва қоидаларга риоя этилишини текшириш;

ресурсларнинг мавжудлиги ва хавфсизлигини текшириш;

ресурслар ва маълумотларга рухсатсиз киришни чеклаш.

8. Ички аудит топшириғи натижалари бўйича хулоса ва тавсияларни шакллантириш.

топшириқ натижаларини умумлаштириш;

аниқланган қоидабузарлик ҳолатларини таҳлил қилиш ва уларнинг таъсирининг аҳамиятини баҳолаш;

мансабдор шахслар билан ахборот тайёрлаш ва хулосаларни олдиндан муҳокама қилиш;

топшириқнинг тўлиқлиги ва сифатини ва қўшимча амаллар зарурлигини баҳолаш;

аудиторлик топшириғининг мақсад ва вазифаларига жавоб берадиган хулоса ва тавсияларни шакллантириш;

топшириқнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

Юқорида таклиф қилинган вазифалар ҳар қандай бизнес-жараённинг (асосий, ёрдамчи ва бошқарув) ички аудити учун хизмат қилади. Ҳар бир аниқ бизнес жараёнининг ўзига хослиги топшириқ предметиға ва аудит объектининг хусусиятларига мувофиқ мослаштирилган ички аудит дастурида ҳисобга олиниши керак.

Хулоса. Ички аудит текширувида қўлланиладиган амаллар бизнес-жараённинг бухгалтерия ҳисобида юзага келиши мумкин бўлган хатолар, жараён билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби тизими учун мақбул даражадаги муҳимлик ва аудит рискин баҳолаш тўғрисида маълумот олишни таъминлаши керак. Текширув вақтида мазкур жараёнға хос бўлган ички назорат тизимини ўрганиш ва унинг самарасизлигини баҳолаш зарур. Ҳар бир текшириляётган жараён учун далилларни тўплаш ва асосий аудиторлик иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун қўлланиладиган аудит амаллари рўйхатини аниқлаш керак. Бунинг учун амалдаги ички назорат тизимини тавсифлаш, назорат механизмларининг мақсадға мувофиқлигини баҳолаш, ички назорат тизимининг самарадорлигини текшириш зарур. Мазкур ҳолатда иш

жараёнларини ташкил этиш, функционал вазифаларни тақсимлаш, бизнес жараёнларни тавсифлаш ва назорат қилишга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Ҳар бир жараён бўйича ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш жараёнида раҳбарият ва бухгалтерия хизмати ходимларининг фикрларини аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган тестлар ва саволномалар фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳар бир бизнес-жараён учун фаолиятни баҳолашда таҳлилий амаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бизнес-жараённи текширишнинг умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқишда бизнес-жараённинг алоҳида элементларига оид тестлар услубий материаллар сифатида ички стандартларда ишлаб чиқилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдиева Н.Ш. Акциядорлик жамиятларида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.:ТМИ, 2023. -70 б.

2. Щербинина А.К. Современные тенденции аудита бизнес-процессов. // Естественно-гуманитарные исследования №35 (3), 2021

3. Santoro, F. M., Revoredo, K. C., Costa, R. M. M. & Barboza, T. M. (2020). Process Mining Techniques in Internal Auditing: A Stepwise Case Study. iSys: Revista Brasileira de Sistemas de Informação (Brazilian Journal of Information Systems), 13(4), 48-76. DOI: 10.5753/isys.2020.823

4. Масько Л.В. Развитие методик аудита операций с экологическими активами и обязательствами / Л.В. Масько // Бух. учет и анализ. – 2014. – № 1. – С. 39–47.

5. Шеер Авгест–Вильгельм. Бизнес–процессы. Основные понятия, теория, методы / Под ред. А.А. Белых. – М. : Весть–МетаТехнология, 2010. – 182 с